

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... 16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ..... 23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ 31

5. БОРОТОВ Алишер Хомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфуза

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА..... 50

7. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ..... 58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ 66

9. ЭШНАЗАРОВ Меҳриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ 78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ.....	88
--	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАХМАНОВ Шухрат Наимович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ «МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ».....	95
13. ГАНИБАЕВА Шахноза ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА: НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ...	102
14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ.....	109
15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ	117
16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР	127
17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ.....	135
18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS	144
19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА	151

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЭШНАЗАРОВ Меҳриддин Жўраевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
бошқарма бошлиғининг ўринбосари,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: mekhriddin_81@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЭШНАЗАРОВ М.Ж.
Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-
тадбирларини амалга оширишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 72-77.

 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, мазкур тадбирларни амалга ошириш тартиби ҳамда ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш асослари ва тартибида мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқ ҳамда зиддиятлар аниқланган ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган. Бу борада мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш, профилактик тадбирлар.

ESHNAZAROV Mekhriddin
Deputy head of the department of the
Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of philosophy in law (PhD)

IMPROVING THE LEGAL BASIS FOR IMPLEMENTING SPECIAL PREVENTIVE EVENTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article analyzes the essence and specific features of measures for the special prevention of crimes in the Republic of Uzbekistan, the procedure for implementing these measures and their legal basis. The existing legal gaps and conflicts in the basis and procedure for the implementation of the special prevention of violations specified in the current normative legal

documents of the Republic of Uzbekistan are identified and the ways to eliminate them are indicated. In this regard, proposals aimed at improving the existing legislation have been put forward.

Keywords: crime prevention, special crime prevention, implementation of special crime prevention, preventive measures.

ЭШНАЗАРОВ Мехриддин Жураевич
Заместитель начальника управления
Академии МВД Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕР ПРАВОНАРУШЕНИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются сущность и особенности специальных мер профилактики правонарушений в Республике Узбекистан, правовые основы и порядок их реализации. Выявлены существующие пробелы и противоречия специальной профилактики правонарушений в нормативно-правовых актах Республики Узбекистан, и порядок их реализации, а также указаны пути их устранения. Даны предложения по совершенствованию действующего законодательства в этой области.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, специальная профилактика правонарушений, осуществление специальной профилактики правонарушений, профилактические мероприятия.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турлари ва уларнинг таркибига кирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги уларни масъулият билан, профессионал даражада амалга оширишни тақозо этади. Айниқса, улар орасида махсус профилактика бошқаларига нисбатан кўпроқ эътибор, диққат ва ҳушёрликни талаб этади. Акс ҳолда профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчанлигига ва махсус тадбирларни ўтказишдан кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Хуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини самарали амалга ошириш, унинг тартибини такомиллаштиришда бевосита бу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили натижасига асосланиш лозим.

Амалдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддаси 2-қисмида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишнинг қуйидаги асослари келтириб ўтилган:

биринчиси, айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

иккинчиси, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Мазкур икки асосда келтирилган “*айрим тоифадаги шахслар*” тушунчасига ойдинлик киритиш зарур ҳисобланади. Чунки, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини тартибга солувчи қонун нормалари ўртасидаги мавжуд ўзаро зиддиятлар хуқуқбузарликлар махсус профилактикаси объекти, мақсади ва вазифаларини белгилашда ноаниқликларни келтириб чиқариши, бу эса, куч ва воситаларнинг нотўғри тақсимланишига сабаб бўлиши, фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра, юқорида келтириб ўтилган ноаниқлик ва мавҳумлик бевосита махсус профилактикани амалга ошириш асосларида ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Буни хуқуқбузарликлар махсус профилактикасини амалга оширишнинг

биринчи асоси сифатида келтирилган “айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши” да назарда тутилган “айрим шахслар тоифаси”га ойдинлик киритиш зарурати билан изоҳлаш мумкин.

Мисол учун, М.Қ. Ўразалиев “илгари жинсий жиноятлар содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган ёки уларни содир этишда гумон қилинган шахслар алоҳида кузатув остига олиниши лозим” [1, Б.17-18] деб ҳисоблайди. Аммо қонун талабига кўра, бу каби тоифадаги шахслар махсус профилактика объекти сифатида назарда тутилмаган.

Шуниси аниқки, келтирилган “айрим шахслар” тоифасини фақатгина ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил шахслар билан чеклаш мумкин эмас.

Чунончи, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммоларининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини тадқиқ этган Қ.П. Пайзуллаевнинг фикрича, мазкур жиноят жабрланувчиларини виқтимологик тавсифини умумий ва криминологик турларга бўлиб таснифлаш мумкин [2, Б.15]. Бунда жабрланувчиларга криминологик тавсиф берилиши унга махсус ёндашувни талаб этади. Балки шунинг учун ҳам, С.Б. Хужакулов диссертация ишида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусияти бўйича криминологик ва виқтимологик профилактикага ажратиб, уларнинг ҳар бири умумий, махсус ва якка тартибда амалга оширилишини такидлаган [3, Б.7-20]. Ушбу таклифни ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ўрганган Қ.А. Саитқулов ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайди [4, Б.19-20].

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бевосита виқтимологик профилактика доирасида ҳам амалга оширилиши, шунингдек бу борада ҳам умумий ва ҳам якка тартибда ёндашиш мумкин. Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, қонунда ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини амалга ошириш учун келтирилган асосда айрим тоифадаги шахсларнинг кўпайиши баён этилган, аммо қайси ҳудудда, яъни республикада, вилоят, шаҳар (туман) ёки маҳаллаларда кўпайиши эътиборга олинишига ойдинлик киритилмаган. Айрим олимлар профилактик фаолиятни турли даражада, яъни республика даражасида, вилоятлар даражасида ва ҳаттоки, корхона, муассаса, ташкилотларда ҳам ўтказилиши мумкинлигини қайд этади [5, Б.17]. Бу борада айрим ҳаётий тажрибалар ҳам мавжуд. Мисол учун, 2019 йил 20 майда Адлия вазирлигида “Коррупция фактлари ҳақида ишончли хабар берганлиги учун адлия органлари ва муассасалари ходимларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, тизимда ўз-ўзини тозалаш механизми ишга туширилган [6]. Аммо бу масалага қонунчиликда аниқлик киритилмаганлиги сабабли ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган аксарият мазкур профилактик тадбирлар (“Қорадори”, “Тозалаш-Антитеррор”, “Арсенал”, “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” каби махсус тадбирлар) республика доирасида амалга оширилади [7]. Ваҳоланки, ижтимоий ҳаётда нафақат республика ёки вилоятлар даражасида, балки шаҳар (туман), ҳаттоки, маҳалла ва кўчаларда ҳам махсус профилактик тадбирларни ўтказиш зарурати юзага келиш эҳтимоли мавжуддир. Буни сўнгги йилларда республикамиздаги мавжуд маҳаллаларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилиши ва ушбу тоифадаги маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш учун махсус ёндашишнинг йўлга қўйилганлигида ҳам кўриш мумкин [8].

Шу ўринда савол туғилади, айрим тоифадаги шахслар қайси вақтларда кўпайган бўлиши керак?

Ушбу вазиятда аниқ вақт кўрсатилмаса-да, аммо шартли равишда “муайян вақт оралиғи” олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур “муайян вақт оралиғи”га шартли равишда ой, чорак, ярим йил, тўққиз ой, йил ва бошқаларни олиш талаб этилади. Чунки, криминологияда ҳам жиноятчилик ёки унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида сўз юритилганида, уларнинг муайян ҳудуд (мамлакат ёки унинг маъмурий-ҳудудий бирлиги) ёки маълум давр (ой, чорак, ярим йил, тўққиз ой, йил, икки йил ва бошқ.)га оид жиҳатлари тилга олинади [9, Б.58].

Демак, шахслар тоифасининг кўпайиши ҳақида гап кетганда, муайян ҳудудда муайян

давр мобайнида айрим шахслар тоифасининг кўпайиши назарда тутилиши керак.

Модомики ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳам умумий ва ҳам якка тартибда амалга оширилар экан, унда якка тартибда махсус профилактикани амалга ошириш асосларини ҳам қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш талаб этилади. Чунки, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг [10] 24-моддаси 2-қисмида келтирилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш асосларининг барчаси профилактикани умумий тартибда амалга оширилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Қуйидаги ҳолатларда ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини якка тартибда амалга ошириш зарурати юзага келади, яъни шахс:

- 1) профилактик ҳисобга қўйилганда;
- 2) маъмурий назоратга олинганида;
- 3) мажбурий даволашга жойлаштирилганида;
- 4) озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўташ учун пробация хизмати рўйхатига олинганида;
- 5) жазони ўташ учун жазони ижро этиш муассасасига жойлаштирилганида;
- 6) ҳуқуқбузарликдан жабрлангани учун ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга муҳтож деб топилганида;
- 7) реабилитация қилиш марказларига жойлаштирилганида;
- 8) вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилганида;
- 9) ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилганида.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини умумий ёки якка тартибда ўтказилиши муайян аниқ мақсадга йўналтирилган профилактик чора-тадбирлар тизимидан ташкил топиши билан умумийлик, профилактик чора-тадбирларнинг муайян шахс ёки икки ва ундан ортиқ шахсга йўналтирилиши эса алоҳидалик аҳамият касб этади. Бироқ муайян шахсга нисбатан амалга оширилган бир нечта профилактик чора-тадбирларнинг мажмуи ҳар доим ҳам махсус профилактик чора-тадбирлар сифатида эътироф этилавермайди. Чунки, муайян шахсни ахлоқан тузатиш, ижтимоий реабилитация қилиш ёки ижтимоий мослаштиришга йўналтирилган профилактик чора-тадбирлар тизими шахснинг шахси (ёши, жинси, маълумоти, дунёқараши, қизиқишлари, миллати, дини, эътиқоди, маънавий-руҳий хусусиятлари, биофизиологик белгилари кабилар)ни, шунингдек амалга оширишнинг мантиқий кетма-кетлиги ва босқичма-босқичлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Айнан шу жиҳатлари билангина якка тартибдаги профилактика ўзида “махсуслик хусусияти”ни касб этади. Акс ҳолда шунчаки якка тартибдаги профилактика сифатида баҳоланиб қолади. Чунки, “ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш” “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан бири сифатида келтириб ўтилган бўлса-да, муайян мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлардан бири тариқасида қонуннинг 25-модда 1-қисм 3-бандида илгари судланган шахслар ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг чора-тадбири сифатида келтирилган. Буни айрим олимларнинг илмий хулосаларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, С.А.Попова аёллар жиноятчилигини махсус профилактикаси бўйича жазоларни ижро этиш шароитларини ўзгартириш ва илгари судланган аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш лозим, деб ҳисоблайди [11, Б.11].

Умуман олганда, масаланинг ушбу жиҳатига фақат субъектлар фаолиятига баҳо бериш учун эмас, балки профилактик натижадорликка эришиш мақсадини кўзлаб эътибор бериш талаб этилади. Аммо бу натижага субъектларнинг масъулиятини оширмасдан, уларга нисбатан аниқ ва қатъий талаб қўймасдан эришиб бўлмайди. Ваҳоланки, илгари судланганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади [12, Б.12].

Тадқиқот давомида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробақия хизматлари юритувида бўлган 150 та маъмурий назорат ва профилактик ҳисобга олинган, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари ва шартли ҳукмга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тўпланган йиғма жилдларни ўрганиш натижалари бугунги кунда яқка тартибдаги махсус профилактиканинг ушбу йўналишларида ишлар етарлича ташкил этилмаётганлигидан далолат беради. Ўрганилган материалларда ягона бир шаклга эга бўлган ва назоратдаги шахснинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган индивидуал профилактик режалар мавжуд эмаслиги, профилактик ишларнинг аксарияти профилактик суҳбат билан чекланиб қолинаётгани, олинган тушунтириш хатлари мазмуни билан танишилганда, оддий савол-жавоблар билан кифояланиб келингани маълум бўлди.

Балки, шу боисдан ҳам Н.С.Салаев ахлоқ тузатиш ишларини ижро этиш тартиби ва шартларида етарли профилактик тадбирлар назарда тутилмаган деб ҳисоблаб, ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекциясининг маҳкумлар билан ишлаш ва профилактик тадбирларни амалга оширишга доир мажбуриятларини белгилаш лозимлиги бўйича илмий хулосага келган [13, Б.21].

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддаси 2-қисмини қуйидаги мазмундаги янги таҳрирда баён этиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим:

“Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

муайян давр мобайнида айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий хулқ-атворнинг, айрим тоифадаги ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, виктимлиги юқори бўлган ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг кўпайиши;

жамоатхавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига таъсир қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши”.

Ўйлаймизки, амалдаги қонунчиликка юқорида келтирилган таклифлар ва тавсияларнинг киритилиши ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишнинг қонуний асосларини янада такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўразалиева М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: Юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. – Т., 2008. – Б. 17-18.

2. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари): Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006. – Б. 15.

3. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2018. – Б. 7, 20.

4. Саитқулов Қ.А. ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2020. – Б. 19-20.

5. Ахмедова Г.Ў. Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш (Ўзбекистон Республикаси ИИБ материаллари мисолида): Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006. – Б. 17.

6. Халқаро коррупцияга қарши кураш кунига бағишланган форум // URL: <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/98617/>

7. Самарқанд вилояти бўйлаб “Арсенал” тадбири давом этмоқда // Самарқанд вилояти ИИБ Ахборот хизмати // URL: <https://iiv.uz/news/samarqand-viloyati-boylab-arsenal-tadbiri-davom-etmoqda>.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 12 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2020 йил якуни бўйича ахбороти ҳақида”ги СҚ-245-IV-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5343161>.

9. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 58.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // URL: <https://www.lex.uz/docs/2387357>.

11. Попова С.А. Криминологическая характеристика и предупреждение женской преступности в современных условиях: По материалам Приволжского федерального округа: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2001. – С. 11.

12. Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – Б. 12.

13. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2019. – Б. 21.